

نَا مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلَا بَتُّ كُي نَاو، رُوْبُقْلَا صَّصَجُت نَاو، اَهْيَلَع يَنْبُي نَاو، اَهْيَلَع اَطُوْت

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қабрни бўр билан сувашни, унинг устига ўтиришни ва унинг устига бино қуришни наҳий қилганлар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Термизийнинг лафзида:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қабрларнинг бўр билан сувалишидан, уларнинг устига ёзилишидан, уларнинг устига бино қурилишидан ва босилишидан қайтарганлар», дейилган.

Шарҳ: Фақат Имом Шофеъий қабрни лой билан суваб қўйишга рухсат берганлар.

Қабр устига бошқа ҳар қандай нарсани қилиш мумкин эмас. Албатта, юқорида айтиб ўтилган белгилаш учун тош қўйиш бундан мустасно.

Қабрлар инсон хотирасидаги ҳассос нарсалардан бўлганлиги учун ва ўтган умматларнинг залолатга кетишининг сабабларидан бири айнан қабрлар бўлганлиги сабабли Ислолда бу масалага алоҳида эътибор билан қаралган. Биз ўрганаётган ҳадиси шарифларда ҳам мазкур эътибор қисман ўз аксини топган.

Ушбу ҳадисда қабрларга нисбатан наҳий қилинган ишлар санаб ўтилмоқда:

1. **«Қабрни бўр билан суваш».**

Бўрсувоқ лойсувоқдан кўра бир оз зийнатли чиқиши, ранги оқ бўлиши маълум. Шунинг учун эътиборга олган ҳолда қабрга нисбатан бу иш ман қилинган. Чунки бу ишда тириклар учун керак бўлган молни зое қилиш бор. Ислоҳда эса ҳар қандай молни зое қилиш ҳаромдир. Бир оз ақл юритилса, қабр устига бўрсувоқ ман қилинганидан кейин ундан кўра кўп маблағ сарфланадиган нарсаларни қилиш умуман мумкин бўлмайди. Бинобарин, турли бошқача сувоқлар қилиш, тошлар ётқизиш, занжир, панжара тортиш ва ҳоказолар мутлақо ман этилади.

Иккинчидан, қабрнинг устига олтин суви юритишдан ҳам на қабрнинг ичидаги ўликка, на бу ишни қилган тирикка ва ёки бошқа бирор жонзотга ҳеч бир фойда бўлмайди. Бефойда ишни қилиш эса мусулмон инсон учун ҳаромдир.

Учинчидан, қабр оддий, табиий ҳолида турса, ёққан қор-ёмғирдан, ўсган ўт-ўланлардан қабр ичидаги майитга фойда тегади. Қабр устини турли нарсалар билан ёпганлар эса майитни бу хайрдан маҳрум қиладилар.

2. «Қабр устига ўтириш».

Шунингдек, қабр устида тик туриш ёки ётиш ҳам мумкин эмас. Чунки бу ишда қабр ичидаги мусулмон бандага ва унинг яқин кишиларига нисбатан ҳурматсизлик бор.

3. «Қабр устига бино қуриш».

Бунда ҳам бўр билан сувашдаги ҳикматлар каттароқ ҳажмда айтилади.

Имом Моликнинг шогирдлари Ибн Абдулҳакам: «Қабри устига бино қуришни васият қилган одамнинг васиятига амал қилинмайди. Шунга биноан, қабрлар устига қурилган нарсалар бузиб ташланиши керак», деган.

4. «Қабрнинг устига ёзиш».

Жумҳур уламолар «Қабр устига унинг эгасининг исмини ҳам, бошқа бирор нарсани ҳам ёзиш мумкин эмас», деганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари «Қабрнинг йўқолиб кетиши ёки хорланиши эҳтимоли бўлганда ҳожат тушса, белги бўладиган нарсани ёзса бўлади», деганлар.

Ҳозирги кунда ушбу нарсаларни яхшилаб ўрганиб, шариат бўйича иш кўришга жуда катта эҳтиёж бор. Баъзи жойларда ушбу таълимотларга мутлақо амал қилмай қўйилган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди